

ЎҚУВЧИЛАРДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТИЗИМЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАЗМУНИ

Одилжонова Камола Абдувосит қизи
Андижон давлат педагогика институти
2-босқич магистранти
kamola_odiljonova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада она тили таълими занжирининг биринчи халқаси - тил имкониятлари – тил бирликларининг аввалдан барқарорлиги, доимилик ва мажбурийлик хусусиятларидан фойдаланилган ҳолда, иккинчи ва учинчи халқалари – сўзлаш қобилияти ва нутқни ривожлантириши, такомиллаштириши ва бойитии сари йўналтирилган бўлиши, ўқувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришида қарор қабул қила олиш, шахсий позиция ва тезкор инновацион гояга эга бўлишилик каби хислатларни ўстиришида тафаккур жараёнининг педагогик-психологик узвийлигига жиодий эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: таълим, технология, машғулотлар, билим, лексик компетентлик, фонетика, лексика, ижодий тафаккур.

THE CONTENT OF SYSTEMATIC IMPROVEMENT OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE IN STUDENTS

ABSTRACT

In this article, mother tongue education should be directed towards the first part of the chain - language opportunities - the stability, permanence and obligation of language units, and the second and third part - the development, improvement and enrichment of speaking ability and speech, the ability to make decisions in the development of creative thinking of students, a serious attention is paid to the pedagogical-psychological integrity of the thinking process in the development of such qualities as having a personal position and quick innovative ideas.

Key words: education, technology, training, knowledge, lexical competence, phonetics, lexicon, creative thinking.


КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Таълим сифатини ошириш – бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёни технологияларини такомиллаштириш ва таълимнинг якуний мақсадини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Таълимни жамият маданиятини ўзлаштириш асосида таълим олувчиларда фаолиятнинг турли соҳаларида шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятини ривожлантиришнинг маҳсус ташкил этилган жараёни сифатида қараш мумкин. Таълим мақсадини бундай тушуниш эса, ўз навбатида компетентциявий ёндашувни рўёбга чиқариш учун замин яратади.

Она тилини ўрганиш жараёнида олдинги ўтилганларга таяниб, янги тушунчаларни ўрганиш, гурухларга ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали ўзи мустақил таъриф чиқаришга ўрганган ўқувчи бир-бирига ўхшаш ва фарқли ҳодисалар устида ишлайди, ўқитувчи ёрдамида хулоса ва ҳукм чиқаради. Машғулотларда мустақил ишларни ташкил этиш, қўйилган муаммо, савол, топшириқлар моҳиятидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини бошқариш ёш авлодда мустақиллик ва фаолликни тарбиялади [1].

Узлуксиз таълим жараёни ниҳоятда мураккаб бўлиб, унинг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у таълим олувчиларига чуқур ва зарурӣ билимларни бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатсин. Чунки ўқувчи шахси ўқув фаолияти жараёнида шаклланади. Агар фаолият ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда ташкил этилса, у тақдирда бундай фаолият самарали натижа бермаслиги мумкин.

**Она тили таълимида ўқувчиларда лексик компетенцияларни
ривожлантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:**



1. Узвийлик ва узлуксизлик тамойили. Она тили таълимида лексик компетентликни узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ривожлантириш, энг аввало, таълим берувчининг маҳорати, фани юзасидан эгаллаган билимлари, орттирган тажрибасига боғлиқ бўлиб, она тили ўқув курсини ўқитишида ўқувчиларнинг лексик билимларини ошириш учун ўқув материалларини ўрганиш тизими, ҳар бир мавзуга оид ўқув элементлари ажратилади, ўқувчиларнинг билиш имкониятлари ўрганилади. Шу асосда ўқувчиларнинг билим даражалари аниқланиб, уларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш принциплари, усууллари, воситалари, меъёрлари ишлаб чиқилади.

2. Тизимлилик, изчилилик тамойили. Таълим изчилиги учун тизимлилик ўлчов ҳисобланади. Я.А.Коменский бу ҳақида шундай дейди: “Машғулотларни шундай ўтказиш керакки, унда кейин ўрганиладиган ҳодиса олдинги ўрганилганларга асослансин, ҳозиргиси кейингиларни ўрганишда мустаҳкамлансан”.

Маълумки она тили ўқув фан сифатида маълум тизимдан иборат, яъни фонетикани ўрганмасдан туриб, лексикани пухта ўзлаштириб бўлмайди. Лексикани яхши ўзлаштирган ўқувчиларга морфологияни ўрганиш осон кечади. Ўқувчиларнинг аввалги олган билимларини ҳисобга олиш, ўрганилган ва ўрганилаётган билимлар ўртасидаги мантиқий алоқадорликни таъминлаш изчилик тамойили орқали амалга оширилади. Она тили дарслигига кетма-кетлика берилган мавзулар ўқувчиларни олдинги билимларини мустаҳкамлашларига ёрдам беради. Янги ўқув материалини олдин ўрганилганлар билан боғлаш билимларни янги шароитда қўллаш имконини беради. Бу эса ўқувчини ижодий фаолияти учун имконият беради.

Она тили таълимида ўқувчиларда лексик компетентликни тизимли шакллантиришда:

- ўқувчи фаолияти мазмунини таҳлил қилиш;
- натижаларни олдиндан кўра билиш;
- режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади. Бу босқичда ўқитувчининг мустақил, шу билан бирга, ўқувчи билан ҳамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш фаолияти етакчи ўрин тутади.

Ўқувчиларда лексик компетентликни тизимли шакллантириш ва ривожлантиришда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қиласади. Она тили таълимида

ўқувчиларда лексик компетентликни шакллантириш тўғрисида фикр юритилганда унинг икки хил маъносини фарқлаш керак:

1) она тили таълими мазмуни ва билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизими. Бунда она тили таълимини лойиҳалаштириш, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўқув топшириқлари мақсадини ажратса олишлари, ўқув топшириқлари таълим жараёнининг дидактик мақсадларига мослиги, ўқув топшириқлари билан ўқув материалини ўқитиш мақсади ўртасидаги мувофиқлик, ўқув топшириқларида таълимнинг тараққий эттирувчанлик ва тарбиявий мақсадларини қамраб олиши каби элементлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва воситаларга эга;

2) она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини тизимлаштириш жараёни. Тизимлаштириш жараённи ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир.

Она тили таълимида ўқувчиларда лексик компетентликни ривожлантириш тизими қуидагиларга имкон беради:

- ўқувчиларда билиш эҳтиёжини шакллантиради;
- ўқувчиларда сўзнинг асл маъносини билишга бўлган қизиқишини оширади;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- Нутқ вазиятида сўзлардан ўринли фойдаланиш техникасини шакллантиради;
- ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишини оширади;
- ахборот билан ишлашни ўрганишга бўлган иштиёқни оширади;
- таълимда ўқувчининг индивидуаллик даражасини оширади;
- ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради;
- материаллар мазмунининг кетма-кетлиги ўқув материаллари доирасини кенгайтиради ва ўқувчиларнинг олдинги билимларини мустаҳкамланишига ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг ўзини-ӯзи назорат қилиши, яъни баҳолаш жараёнининг омилларини кенгайтиради ва ҳ.к.

3. Алоқадорлик тамоили. Она тили таълимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг самарали усулларидан бири мавзулараро, бўлимлараро, синфлараро, фанлараро боғланишдир. Фанлараро алоқадорликнинг моҳияти ва аҳамияти кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган. Жумладан А.А.Хасанов “ўқувчилар билими ва илмий даражаси, улар фикрлаши, ижодий қобилияtlари ривожланишида ўқитишнинг аҳамиятини оширишнинг, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришининг, билимларни ўзлаштириш

жараёнини оптималлаштиришнинг, билишга оид маҳорат шаклланишининг ва якуний ҳисобда ўқув жараёнини тақомиллаштиришнинг дидактик шарти” сифатида қарайди. Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский қарашларида эса таълим самарадорлигига фанлараро алоқа воситасида эришиш мумкинлиги таъкидланади. У атроф-оламдаги объектлар ва ходисаларнинг реал ўзаро алоқасини объектив акс эттирувчи умумий билимларни ўзлаштиришни, уларни янги вазиятга кўчира олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Н.С.Антонов фикрича фанлараро алоқадорлик ўқитишнинг ўзига хос усулинин талаб этиб, улар қуидагилардан иборат:

- 1) ўқитиш мазмунининг бир неча ўқув фанларига маъно жиҳатидан боғлиқлиги;
- 2) ўқитиш шакллари ва методик усулларининг бирлиги;
- 3) амалий топшириқларни ечишда билим ва кўникмаларни биргаликда қўллаш.

Г.И.Вергилес эса фанлараро алоқадорлик ақлий фаолият шаклланиши учун имконият яратишини таъкидлайди. Дидактикада “фанлараро алоқадорлик” тушунчаси ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалари, шунингдек, билимларни узатиш шакллари, методлари ва воситалари ўртасидаги ўзаро алоқани ўз ичига олади. Назарий топшириқларни амалиётда қўллаш фаолиятига киришилар экан, билимлар мустаҳкамланиб боради. Шундай экан, билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш жараёнининг самарадорлиги уларни ўрганишга қаратилган фаолият билан бевосита боғлиқ бўлади. В.Н.Федорова фикрича, ўқув машғулотлари жараёнида фанлараро алоқадорликни таъминланиши ўқувчилар билимининг тизимлилигини, илмийлигини ва қизиқишиларининг ривожланишини таъминлайди, ўқитиш жараёнини оптималлаштиришга кўмаклашади.

Методистлар, олимларимиз фикрича фанлараро боғланиш турли таълим босқчларида она тили дарслекларида (ўқув топшириқлари тизимида) кўпроқ ўз ечимини топиши даркор. Аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлардан матнлар танлаш, бошқа ўқув фанларига оид атамалардан фойдаланиб, кичик матнлар яратиш, берилган матндан тилга оид атамалар, ўз ва кўчма маъноли сўз, сўз бирикмаси, ибора ва тасвирий ифода кабиларни ажратиш, улар иштирокида гап ва матнлар тузиш, сўз маъноларини контекст ичida фарқлаш кўникмаларини сингдириш — ўқувчининг фикрлаш доирасини кенгайтиради ҳамда коммуникатив саводхонлигини оширади.

Ўқувчиларда лексик компетенцияларни шакллантиришда ва ривожлантиришда бошқа компетенциялар билан алоқадорликда ўрганиш

орқали таълим сифатини оширишга эришиши мумкин. Академик И.Павловнинг ассоциация (алоқа, боғланиш) ҳақидаги таълимоти она тили таълимида муҳим ўрин эгаллайди. Агар тил ҳодисалари алоқадорликка асосланилмаса, ўқувчи тилни бир бутун система сифатида қабул қила олмайди.

4. Таққослаш тамойили. Тафаккур воқеликнинг онгли акс этиш жараёни, яъни инсон ақлий фаолиятининг юксак шаклидир. Тафаккур орқали фикр вужудга келади. Фикр эса нутқ орқали намоён бўлади. Бундан кўринадики, таълим олувчи тафаккурини ривожлантирмай туриб, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини талаб даражасида эгаллай олмайди. Тафаккур эса таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, гурухлаш кабиларда намоён бўлади. Инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш-қиёслаш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Икки ёки ундан ортиқ нарса ёки тушунчани ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш мақсадида таққослаш ташки дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усусларидан бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида учрайди. Турли воқеа-ҳодисаларни мукаммал англаб этишимиз учун улар ўртасидаги фарқларни топиш, ўхшашлик томонини ҳам англаб этишимиз зарур бўлади. Сабаби тил ҳодисаларини ажратса олмаслик кўп ҳолатларда уларни нотўғри қўллашга сабаб бўлади. Лексик компетентликни шакллантиришда тилшуносликнинг бошқа бўлимлари билан қиёслаб ўргатиш орқали ўқувчиларда бошқа тил компетенцияларини ҳам ривожланишига эришиш мумкин.

К.Д.Ушинский тафаккур ва билиш жараёнларидағи таққослашнинг жуда муҳим аҳамияти борлигини уқтириб, бундай деган эди: "...таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан билолмасак, бошқа йўл билан билолмаймиз, агар биз ҳеч нарса билан солиштиришимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирор янги нарсага дуч келганимизда эди, у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган бўлур эдик ва унинг тўғрисида бирор сўз айта олмаган бўлур эдик".

5. Индивидуаллаштириш тамойили. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг имконияти инобатга олинсагина таълим жараёни самарали кечади. Берилаётган топшириқлар ўқувчи лаёқатига мос бўлса, фаоллик кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятини аниқ билиши ва буни эътиборга олиши лозим. Чунки ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, билим даражаси, топшириқларни мустақил бажара олиши ҳар хил бўлади, яъни қайсиdir ўқувчи бир килограмли тошни кўтара олса, бошқаси юз килограмли тошни кўтара олади. Шунинг учун дарс машғулотлари жараёнида табақалаштирилган ўқув топшириқларидан фойдаланиш яхши самара беради. Ўқувчи имкониятига қараб

берилган топшириқ, энг аввало, ўқувчини ўзига бўлган ишончини оширади, фанга бўлган қизиқишини кучайтиради ва бунда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим:

– таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг услубий ёндашуви, тезкорлиги, ўқувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинади;

– ўқув-методик, психологияк, педагогик ташкилий бошқарув ишларини олиб бориша ўқувчи шахси ўқув-билив марказида бўлади. Шунингдек, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш орқали шахсни ривожлантириш таъминланади.

Индивидуал таълим – ўқитувчининг ўқувчига педагогик таъсирини амалга оширувчи ўқув машғулотлари шаклларидан бири. Ўқитувчининг ўқувчи билан синф жамоасидан ташқарида олиб бориладитан фаолияти тушунилади.

Индивидуаллаштирган таълим ўқувчининг мавжуд шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришини таъминлаш, замонавий ўқув жараёнига қўйиладиган жадаллашган илмий-техникавий тараққиётининг талабидир. Бунга индивидуал ва индивидуаллаштирилган ўқитиш орқали эришиш мумкин.

Индивидуал ўқитиш – бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакли бўлиб, бунда педагог ўқувчилар билан яккана-якка шуғулланади, ўқувчи ўқув воситалари (китоблар, компьютер ва х.к.) ёрдамида узлуксиз мустақил таълим олади. Индивидуал ўқитишнинг афзаллиги педагогик жараённинг ўқувчи қобилиятига мослашувчанлигидir. Бунда ўқувчининг билим олиш даражаси доимий мониторингини амалга ошириш ва зарурӣ тузатишлар киритиш натижасида мақбул педагогик жараён ташкил этилади. Индивидуаллик таълим жараёнида педагогнинг ўқувчилар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ва бутун гуруҳ ҳамда ҳар бир алоҳида ўқувчининг ривожи учун психологик-педагогик мухит яратилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS)


Ўқувчиларнинг мавжуд шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш, замонавий ўқув жараёнига қўйиладиган илмий-техникавий тараққиётининг асосий талабидир. Бунга юқорида айтиб ўтилганидек, индивидуал ва индивидуаллаштирилган ўқитиш орқали эришиш мумкин.

Индивидуал ўқитишнинг афзалликлари: педагогик жараённинг ўқувчи қобилиятларига мослашувчанлигидир. Бунда ўқувчининг билим олишини доимий мониторингини юритиш ва шу бўйича зарурӣ материалларни киритиш натижасида педагогик жараённинг энг мақбул шакли танланади.

Индивидуал ёндашиш – бу педагогик тамойилга кўра, ўқув машғулотлари жараёнида таълим берувчининг ўқувчиларлар билан ўзаро муносабати, уларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ва гурух ҳамда ҳар бир ўқувчининг ривожи учун психологик-педагогик муҳит яратилади.

Индивидуаллаштирилган ўқитиш бундай ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида ўқитиш йўллари, усуллари, воситалари танланади ва турли ўқув-методик материаллар билан таъминланади.

Индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияси – бунда ҳар бир ўқувчи имкониятини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал шакли устувор ҳисобланади. Ўқитишнинг барча шахсга йўналтирилган технологияларида у ёки бу даражада индивидуал ёндашиш қўлланилади, аммо индивидуаллаштирилган ўқитишда индивидуаллаштириш ўқув мақсадларига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда олинган натижалар асосида ўқитиш усули танланади. Қабул қилинган технологиялар, қоидалар ва тамойилларга кўра ўқитиш жараёни амалга оширилади. Бунинг учун таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг ривожланиш даражасига мос ва унинг мантиқий, ақлий ва шахсий ўсишига ёрдам берувчи технологияларни қўллаш зарур. Масалан, “Чўққида кўришгунча” технологияси.



Ушбу технология беш босқичда амалга оширилади. Ушбу технологияни қўллашдан мақсад ўқувчиларда матн билан ишлаш ҳамда лингвистик билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришdir.

1-босқичда ўқувчиларга назарий маълумот берилади.

2-босқичда савол-жавоб ўтказилади.

3-босқичда матн берилади.

4-босқичда матн таҳлил қилинади.

5-босқичда ўзини ўзи баҳолайди.

Натижада, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда такомиллаштириш, уларни маънавий-аҳлоқий интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, босқичма-босқич юқорига интилиш имконини беради.

Бундан кўринадики, фан ўқитувчиси технологиялардан фойдаланиш жараёнида ўқувчилардаги бўшлиқларни аниқлаш ва аста–секин янги билимлар билан тўлдириб бориш орқали кутилган натижага эришиши мумкин. Бунда болаларга дўстлик ва ўзаро ҳурматда бўлиш асосий шарт ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнини ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири ўқитувчиларнинг педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этишнинг зарурлигидир[2;15-б.]. Ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, дастурлар, таълим шакли, метод, воситалари ва дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади. Ўқитувчи ўқувчининг билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни хал қилиши лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради. Бу мақсадлар қўйидагилардир:

1. Таълимий мақсад – ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишdir.

2. Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган гоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-эътиқодларини шакллантиришdir.

3. Ривожлантирувчи мақсад - таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишига, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчида мустақил ишлаш иштиёқи пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур хукмронлик қиласи.

Таълим турли босқичларда амалга ошади.

Биринчи босқич – ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканлигини тушуна олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

Иккинчи босқич – улар ўқув материалларни тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

Учинчи босқич – янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг қўшимча изохлари орқали мустахкамланади.

Тўртинчи босқичда – улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиласидилар. Бундан ташқари ўқитувчи таълим жараёнида хар бир ўқувчининг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва хисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, тахлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шаклларини мукаммал билиш, ўқувчига нисбатан талабчан бўлиш, педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиш, таълим натижаларини дастлабки ва кейинги кўрсатгичлар билан таққослаш, тахлил қилиш ва хулосалаш кабилар. Хуллас, ўқитувчи кенг кўламдаги дидактик билимларга, педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Лексикология бўлимини ўқитишда фанга оид компетенцияларни баҳолашга йўналтирилган топшириқлар комплекси ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини босқичли баҳолашини таъминлайди. Уларда лексик компетентликни қай даражада шакллангани ёки ривожланганини аниқлашда компьютердан кўргазмали восита ва ўқувчилар мустақил ўзлаштиришига мўлжалланган дидактик ўқув материаллари, ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган ижодий топшириқлардан фойдаланишга эътибор қаратиш зарур. Чунки ўқув материалларининг табиий, жонли ва энг муҳими қизиқарли намойиш этилиши, ўқувчилар томонидан қайта ишланиши, муаммонинг ечими уларнинг билим олишини енгиллаштиради, ўзлаштирилган билимларни узоқ муддат хотирада сақлаб қолиш, ижодий фикрлаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, билимларни амалиётда қўллашларига шароит яратади.

Ўқувчиларда лексик компетенцияларни шаклланганлик даражасини аниқлашда топширикли бадиий матнлардан фойдаланиш яхши самара беради. Чунки дарс жараёнида тузиладиган оғзаки ва ёзма матнлар, ўтказиладиган савол-жавоблар бола ривожланишини таъминловчи омиллардандир.

Маълумки, эҳтиёжлар инсонни маълум йўналишда онгли равишда ҳаракат қилишга ундейди. Она тили машғулотларида ўқувчилар томонидан тузиладиган матнлар, ёзиладиган баён ва иншолар назарий билимларни амалий қўникмага айлантиришга катта ёрдам беради.

Ёзма ишни, матнни компьютерда ёздириш ўқувчиларнинг АКТ бўйича саводхонлигини оширади. Ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиб ёзма ишларни ташкил этиш ўқув жараёнини қизиқарли, изчил, дифференциаллашган ҳолда ва индивидуал олиб боришни таъминлайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, лексикологияни ўрганиш, асосан, 5-, 6-, 7-синфларга тўғри келади. Бу ёшда ўқувчиларда топшириқни ўз вақтида аниқ ва яхши бажаришга ҳаракат ривожланади, шу билан биргаликда, ижодий топшириқларни бажаришга иштиёқ кучаяди. Бошланғич синф ўқувчилари кўпроқ кўрган ва кузатган нарсалар хақида фикр юритган бўлсалар, ўсмирилик даврига ўтиб, нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, таққослаш, ўхшаш ва фарқли томонларини излайдилар, хулоса чиқаришга ҳаракат қиласидилар.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Умумтаълим мактабларида таълим усули, асосан когнитив-прагматикдир. Бунда дарс машғулотларида фаол ишловчи ўқувчининг ўзидир. Ҳар бир дарс тахминан қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Такрорлаш.
2. Берилган материалларнинг ўқувчилар томонидан таҳлили.
3. Берилган материалларни ўқитувчи ёрдамида умумлаштириш ва хукм чиқариш.
4. Ҳосил қилинган умумийликни амалда қўллаш ва синаш, ўқув топшириқларни бажариш.

Ўқувчиларнинг матн яратиш ва матн устида ишлашлари машғулотнинг иккинчи, тўртинчи босқичларида ва синфдан ташқари бериладиган топшириқларда марказий ўринни эгаллайди. Матнлар хилма-хилдир. Уларнинг аниқ тур ва кўриниши қисман дарсликда берилса, асосан, ўқитувчи томонидан белгиланади. Дастур ўқитувчига дарсликдаги барча матнларни ўз диди, талаби, шароитга қулайлиги билан бемалол алмаштириш, ўқитиши жараёнини том маънодаги ижодийлик ва изланувчанлик асосида қуришга тўлиқ имконият беради. Матн устида ишлаш топшириқлари ва машқларига бу дастур ва дарсликларда кўп эътибор қаратилган.

Тилдан, ундаги имкониятлардан фойдаланишнинг маълум меъёрлари, мезонлари, илмий жиҳатдан белгиланган қоидалари мавжуд. Мана шу ҳодисалар тилдан фойдаланишнинг тўғри, мақбул имкониятлари доирасини белгилайди, уни маълум йўсинга солиб туради. Бу эса ўз навбатида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юклайди, ўқитиши жараёнининг самарадорлигини оширишга асосий эътиборни таълимга қаратишга ва интерфаол усулларни, инновацион педагогик технологияларини киритиш ҳамда улардан моҳирона фойдаланишга ундейди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА /REFERENCES)

1. Мухиддинаева Х. ДТС: Салоҳиятли кадр тайёрлаш сари...//Тил ва адабиёт таълими, 2017, 7-сон, – Б. 8.
2. Турғунов С.Т., Данияров Б.Х., Умаралиева М.А., Шодмонова Ш.С., Турғунова Ш.М., Тожибоева Ҳ.М. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш.– Тошкент: Сано-стандарт, 2012. – Б. 15.
3. Эльконин Д. Б. Избранные психологические труды. – М.: Педагогика, 1989. – 560 с.
4. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент.: 2015. – Б. 31.
5. Набиева Д. Холматова Г. Замонавий тилшуносликнинг муаммолари // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2016, – Б. 46.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 293.
7. Иноятов У.,Ходжаев Б. Умумтаълимий компетенцияларни лойиҳалаштиришнинг концептуал асослари // Халқ таълими илмий-методик журнали, 2016.–№ 2. – Б. 8.
8. Муслимов. Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Тошкент, 2015. – 120 бет.
9. Маҳмудов А.Х. Узлуксиз таълим жараёнига компетентлик ёндашувини жорий қилишининг дидактик асослари // Узлуксиз таълим, 2012. № 4. – Б. 8-12.
10. Собиров А. Узлуксиз таълимда тил компетенцияси //Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари . –Андижон, 2016. – Б. 87.